

«ЁДДАН КЎТАРИЛГАН» КАФОЛАТ ХАТИ

Ўтган йилнинг кузига келиб, МЧЖ негадир тўловларни тўлашни тўхтатиб қўяди. Бу борадаги мурожаатлардан сўнг эса иш берувчи томонидан «Бир ой сабр қилинлар, муаммони бартараф этамиз, ундан кейинги тўловларни ҳам ой-

ма-ой бериб борамиз», деган мазмунда кафолат хати тақдим этилади. Ваъда қилинган маблағдан эса ҳадеганда дарак бўлавермайди.

Таомни хидлаганга қорин тўймагани каби, «эртага бўлади, индинга бўлади», деган қуруқ ваъдалар билан ходимларнинг рўзғори бут бўлиб қолармиди? Айниқса, улар мурувват эмас, ҳақ-хуқуқларини талаб қилаётган бўлишса?

Хуллас, пенсионерлар арзи ҳол қилгач, масалага Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши масъуллари аралашшига тўғри

ёки пенсионерлар нега судлашдилар?

келди.
Кенгаш

К.Жарқинова ва

бошқаларнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судига касбий меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун ойма-ой тўланадиган мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида даъво киритди.

Федерациянинг Андижон вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Музаффар Азимхўжаевнинг қайд этишича, ходимнинг меҳнат жараёнида майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт. Зотан, айти мавзуда судга мурожаат қилинганнинг сабаби ҳам шунда.

Даъво суд раиси Эркинжон Собиров томонидан ўрганиб чиқилди ҳамда уни қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди. Яъни собик ходимлар фойдасига – кимгадир 600 минг сўм атрофида, бошқасига 1,5 миллион сўмдан зиёдроқ, яна бировига салкам 10 миллион сўм – хуллас, 14 нафар ҳақдорга зикр этилган санага қадар ҳисобланган қарзларни жавобгардан тўлиқ ундириш хусусида тўхтамга келинди.

Нурилло НўҲОМОНОВ,
«ISHONCH»

Касба уюшмалари аралашгач...

Яқинда андижонлик 14 нафар пенсионер бир пайтлар ўзларини ишлаган корхона маъмуриятини судга берди. Гап шундаки, «Universal tex» масъулияти чекланган жамиятида фаолият кўрсатган бу ишчи-ходимлар турли даврларда ё касб касаллигига чалиниб, ё бахтсиз ҳодисага йўлиқиб, касбий меҳнат қобилиятидан айрилганлар. Хуллас, ҳолат тегишли тамойиллар билан исботини топгач, корхона уларга зарар тўловларини ойма-ой тўлаб бориш мажбуриятини зиммасига олган.



Кун нафаси



Давлатимиз раҳбари «Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Президентнинг «Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси хайъати аъзоларининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири **Сардор Умурзоқов** Исроил давлати туризм вазири, Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги Ҳукуматлараро комиссия хамраиси **Йоэл Развозов** бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Мактабгача таълим вазирлиги раҳбарияти АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти ҳамда Mercy Corps'нинг Ўзбекистондаги филиали вакиллари билан учрашди.



17 май куни Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати раиси, генерал-лейтенант **Абдулсаломи Азизов** Қирғизистон Давлат хавфсизлик миллий қўмитаси раиси, генерал-лейтенант **Қамчибек Ташиев** билан учрашув ўтказди.



2022 йил 16 майдан бошлаб, «Олмаота-2 – Тошкент – Олмаота-2» йўналишида 1/2-сонли «Тулпор-Талго» поездининг қатнови қайта тикланди.

Халқ таълими вазирлигида математика, кимё, биология, физика ва информатика фанларидан нуфузли **Халқаро олимпиадаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган ташкилотчи** бўлиб ўтди.



Шу йилнинг 18-19 май кунлари Тошкент шаҳри Шанхай ҳамкорлик ташкилотлари маданият соҳаси вакилларига мезбонлик қилди.

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспо-марказ» марказий кўрғазмалар мажмуида энергетика соҳасининг бир қатор йўналишларини қамраб олган **халқаро кўрғазма** очилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикаси раҳбари **Радий Хабиров** бошчилигидаги делегация билан учрашув ташкил этилди.

Тошкент вилояти

МУНОСАБАТ ЖАВОБДАН ҲАМ МАЪЛУМ

«Ishonch»га жавоб берадилар

Хабарингиз бор, «Ishonch» газетасининг «Жавобини кўтаётган саволлар» рўқнида фуқаролардан келган саволлар масъул мутасаддилар эътиборига ҳавола этилади. Мутасаддилар кўп ҳолларда ушбу рўқнида кўтарилаётган масалаларга ижобий ечим топмоқдалар.

Афсуски, гуруч курмасиз бўлмаганидек, фуқаролар йўллаётган мурожаатларга бепасандлик билан қараб, уларга юзаки муносабат билдираётган идоралар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, газетанинг 2022 йил 16 апрель сонидида «Сусамнинг йўллари қачон сонга қиради?» сарлавҳаси остида йўлланган саволга Тошкент вилояти атомобиль йўллари бош бошқармаси шундай муносабат билдирганки, беҳтиёр атайлаб шундай қилинмаганим, деган гумонга ҳам борасиз.

Хуллас, саводи «гуллаб» кетган мутасаддиларнинг газетига юборган жавоб хатига ўзингиз бир қаранг!

ТАҲРИРИЯТДАН: мазкур масала юзасидан масъуллардан мenden кетгунча, эгасига етгунча қабилдаги муносабатни эмас, масъулиятли жавобни кутиб қоламиз. Ҳар ҳолда, бутун бошли вилает атомобиль йўллари бош бошқармасида битта бўлса-да, саводли ходим борлигидан умидвормиз...



«Ishonch» 2022 йил
№16/01-1215

«ISHONCH» Газетасининг
Бош муҳаррири Х.Эрматовга

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 16 апрель 48-сонидида чоп этилган «Сусамнинг йўллари қачон сонга қиради?» сарлавҳали мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича Тошкент вилояти атомобиль йўллари бошқармаси топшириғига асосан Оҳангарон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ходимлари томонидан жойига чиқиб ўрганилганда, мақолада кўрсатилган таъмирланиши лозим бўлган 4К759 «Олмалик ш. Телов к. Облик к.» атомобиль йўлининг жами узунлиги 49 км.ни ташкил қилиши, атомобиль йўлининг 23-45,5 км оралиғидаги 22,5 км қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2020 йилдаги №ПҚ-4916-сонли қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 сентябрдаги №591-сонли қарорига асосан Жаҳон банки маблағлари ҳисобига Тошкент вилояти ҳудудидан ўтган умумфойдаланувдаги маҳаллий аҳамиятга эга атомобиль йўллари 2021-2022 йилларда мукамал таъмирлаш дастурига киритилганилиги ва Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан улар томонидан тасдиқланган иш жадвалига асосан мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганига аниқлик киритилди.


Ҳозирги кунда мукамал таъмирлаш ишлари 2 босқичда амалга оширилиши Режалаштирилган бўлиб, биринчи босқичда йўл асосини қуриш ишлари бошланиб, йўлни бетон қоримчаси билан қоплашга тайёргарлик қурилмоқда.

Мақолада кўрсатиб ўтилган йўлда мавжуд бўлган барча камчиликлар ва носозлиқлар йўлни мукамал таъмирлаш давомида пудратчи ташкилот «Сино Индустрия» МЧЖ томонидан тўлиқ бартараф этилади.

Тошкент вилояти атомобиль йўллари
Бош бошқармаси бошлиғи

Дж.К.Бекмурзаев

Ихр. Х.Джалилов



Оғриқ тишлар...

Бекободда болалар шундай даволанади(ми?)

Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимига кунига ўртача 100 дан ортиқ мурожаат бўлади. Касаллик ҳолатига қараб, баъзи беморлар стационар тарзда даволашга қабул қилинади. Лекин...

Шифохонада шароитлар етарли эмас. Бино эскириб, таъмирталаб бўлиб қолган. Икки қаватли бинода электр жиҳозлари соз ишлайётган хонани топиш мушкул. Ошхона, ювиниш хоналарининг деворлари тўкилиб кетган. Полдаги тўшаманинг ямоқ бўлмаган қисмини топа олмай-сиз. Иссиқ сув йўқлиги етмагандай, баъзида совуқ сув ҳам жўмракдан томмай қўяди.

Шифокор хонасида ҳам зарур жиҳозлар йўқ. Эскирган стол-курси... Мутахассислар шундай аҳволда ишлашга мажбур бўлаётди. Шундай бўлса-да, ўз вазифасини юқори масъулият билан бажариб келаётган тиббиёт ходимларига

тасанно айтиш керак. Тўғри, муассасада бир неча бор жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. Лекин бугунги манзараси таъмир кўрмаганига анча йил бўлганини «айтиб» турибди.

Мамлакатимизда ҳамisha инсон, хусусан, болалар саломатлигига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда.

Аммо юқоридаги ҳолатлар Бекобод бундан мустаснадек тасаввур уйғотди кишида. Мутасаддилар бунга нима дер экан? Бу ҳолатни қандай изоҳлашар экан? Ҳамма гап шунда...

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»



Андижон вилояти



Тошкент шаҳри



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг республика Кенгаши ўзаро ҳамкорликда меҳнат муҳофазасига бағишлаб давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбати

Фойдали
маслаҳатлар

Уни Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши Меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Р.Маҳаммадиев ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Г.Тошпўлатова олиб борди. Суҳбат давомида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқитиш, билмларини синаш тартиблари ҳамда ишчи-ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, иш жараёнида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича жамоа шартномасига киритилган вазифаларнинг иш берувчи билан ҳамкорликда бажарилиши, янги қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчалар ва фойдали маслаҳатлар берилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимидининг икки нафар ходимлари касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Улар ўз фаолиятлари давомида икки карра ноҳақликка дуч келганини баён этишди.

Ўрганишларда илгари ходимларга боғлиқ бўлмаган ҳолда муассасада иш ўринлари қисқаргани, бир қатор ходимлар сафида Хусния Раҳматова ва Зарифа Насимова ҳам борлиги, лекин касаба уюшмалари аралашуви билан барча ходимлар икки ойлик муддат ичида корхонадаги вазифаларига тиклангани, аммо орадан қарийб икки йил ўтса-да, уларнинг иш стажларига устама маблағлари тўланмасдан келинаётгани аниқланди.

– Мурожаат ўрганилганида



Ноҳақликка
чек қўйилди

муассасада Меҳнат кодексининг 164-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори талабларига зид иш қилингани аниқланди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспектори Улуғбек Ғаниев. – Самарқанд шаҳар

СЭО ва ЖСБ маркази маъмурияти ва ҳисоб бўлимига қонун талабларини тушунтирдик. Касаба уюшмалари аралашуви билан узоққа чўзилган ҳақ тоқимга ҳам икки йилдан буён тўланиши пайсалга солиб келинаётган устама пуллари ундириб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Касаба уюшма кўмагида

Сиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқчимисиз? Ишингизни юритиш учун кредит керакми? Марҳамат, бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Фақат ҳар қадамда учрайдиган банк ходимлари айтган фоизларни тўласангиз, олам гулистон. Лекин ўша фоиз қўрмагўр оз-оздан бошланади-ю, кейинчалик отнинг калласидек катталашиб бораверади. Охир-оқибат сиз учун ортиқча муаммо туғдиради.

ФОИЗСИЗ ҚАРЗ ВА
БЕМИННАТ ЁРДАМ
ШАРОФАТИ

ган ва юк ташийдиган техникаларимиз, дори сепадиган асбоб-ускуналаримиз ҳам уларнинг хизматида. Етиштирилган узум ва сабзавот маҳсулотларини томорқанинг ўзида қадоқлаб, сотувга ва экспортга йўналтирамиз. Хизматлар ҳақини эса йил якунида, яъни ғалвир сувдан кўтарилганда оламиз.

Асаканинг «Кужган» маҳалласида яшовчи Умиджон Ҳомидов ёш бўлишига қарамай, етти хазинанинг бири бўлмиш асалари боқининг ҳадисини олган. Ўтган йили ҳам 40 оила болари парвариш-лаб, 700 килограмм маҳсулот олди. Кейин фаолиятини кенгайтириш мақсадида кўп банкларга мурожаат қилди. Бирининг фоизи маъқул келмади, бошқасининг ҳужжатларини расмийлаштириш тин-касини қуритди. Ана шундай вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бир ярим йилга берилган 40 миллион сўмлик фоизсиз қарзи жонига оро кирди. У ушбу маблағ ҳисобидан 100 та қутида 200 оила асалари

боқини йўлга қўйди. Йил охирига қадар улардан 5 тонна асал олишни мўлжалламоқда. Ҳозиргача етиштирган маҳсулотини ички бозорда сотаётган бўлса, келгусида Қирғизистон ва Россияга экспорт қилиш, шунга кўра, 150 миллион сўм миқдорида даромад орттириш чораларини кўрмоқда.

– Насиб қилса, келаси йили асалариларни уч баробарга кўпайтирамиз, – дейди Умиджон Ҳомидов. – 400 оила боларини йил охирида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан 20 та хўжаликка берамиз. Демак, шунча хонадонга қут-барака киришига баҳоли қудрат ҳисса қўшамиз. Қўриб турганингиздек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан берилаётган фоизсиз кредитлар аҳоли бандлигини таъминлашга, тадбиркорликни ривожлантиришга ва оилалар фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Эътибор

Фахрий устозларга бепул йўлланма



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Учкўприк тумани кенгаши таълим тизимида кўп йиллар фаолият юритиб, ҳозир пенсияда бўлган бир қатор фахрийлар ҳолидан хабар олиб, уларга иззат-икром кўрсатди.

Мавсумой Қурбонова Учкўприк туманидаги 21-мактабда ишлаб, пенсияга чиққан. Унга Фарғона вилоятининг сўлим гўшасида жойлашган «Зилол» сўхатгоҳига бепул йўлланма тўхфа қилинди.

– Касаба уюшмалари ходимлари тез-тез хабар олишади, – дейди Мавсумой Қурбонова. – Эътибордан беҳад шодландим. Бунинг учун тизим фидойиларига катта раҳмат айтаман.

Шу куни тумандаги 29-мактабда чорак

асрдан буён ёш авлодга рус тили ва адабиётдан сабоқ бериб келаётган Муҳаббатхон Рустамовага «Чортоқ» санаторийсига бепул йўлланма совға қилинди. Опа ҳам эътибордан кўнгли тоғдек кўтарилганини ҳаяжон билан ифода этди.

Ойбекжон МАВЛОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Учкўприк тумани
кенгаши раиси

Жиззах вилояти

Мусобақа



Ўриклисойда
соғломлаштириш
кунлари

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшма ходимлари ўртасида «Спорт – Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғусини уйғотади» мавзuida соғломлаштириш кунлари уюштирилди.

Зомин туманидаги «Ўриклисой» дам олиш масканида ташкил этилган уч кунлик соғломлаштириш тадбирида шахмат-шашка, арқон тортиш, стол тенниси ва бадминтон бўйича мусобақалар ташкил этилиб, касаба уюшмаси фаоллари ўз маҳоратларини синаб кўришди. Уларга малакали тиббиёт ходимлари бирламчи профилактик муолажалар кўрсатишди.

– Бу каби тадбирлар инсон саломатлигини яхшилашга хизмат қилади, – дейди Жиззах вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Фахриддин Қобилов. – Уч кунлик соғломлаштириш дастурлари давомида иштирок этиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Мусобақа ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Спартакиадачи
оилалар баҳси

«Худудгазтаъминот» АЖ бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Спорт – мустақкам оиламиз пойдевори» шиори остида ўтказилган оилавий спартакиаданинг финал босқичига Бухоро вилояти мезбонлик қилди.

Спорт мусобақаси уч босқичда ўтказилиб, ташкилот ва вилоят босқичида ғолиб бўлган республиканинг энг сара спартакиадачи оилалари мусобақада ўзаро куч синашдилар. Гуруҳлар таркибини 3 нафар кишидан иборат оилалар ташкил этиб, улар «Худудгаз Қорақалпоғистон», «Худудгаз Бухоро», «Худудгаз Тошкент» ва «Худудгаз Жиззах» газ таъминоти филиаллари номидан иштирок этишди.

Иштирокчилар «Югуриш ва тўпни нишонга отиш», «Чаққонлик ва мерганлик эстафетаси», «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар ўйини», «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боқлаймиз», «Кўпқураш мусобақалари» сингари 8 шарт асосида беллашдилар.

Биринчилиكنи «Худудгаз Жиззах» газ таъминоти филиалидан иштирок этган Эргашовлар оиласи қўлга киритди. Иккинчи ўрин эса «Худудгаз Бухоро» газ таъминоти филиали номини ҳимоя қилган Давроновлар оиласига, учинчи ўрин «Худудгаз Тошкент»дан иштирок этган Эргабоевлар ҳамда «Худудгаз Қорақалпоғистон» жамоаси номидан қатнашган Абдураззоқовлар оиласига насиб этди.

Ғолиблар «Худудгазтаъминот» АЖ бирлашган касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари, диплом ва медаллари билан тақдирланишди.

Шунингдек, иштирокчилар учун Бухоро бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
«Худудгаз Бухоро» газ таъминоти
филиали матбуот котиби

Қорақалпоғистон Республикаси

Чемпион билан
учрашув

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Нукус шаҳридаги 32-мактабда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-ходимлари ва ёшлар ўртасида спортнинг оғир атлетика тури бўйича мусобақа ташкил этди.

Жисмоний тарбия ва спортни ҳамда соғлом турмуш тарзини оммавий тарзда тарғиб қилишни мақсад қилган тадбир доирасида кўп маротаба Ўзбекистон чемпиони, ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони ва «Мард ўғлон» кўкрак нишони соҳиби Алишер Ражапов билан мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари, амалиётчилар ва ўқувчилар ўртасида учрашув тадбири ҳам ўтказилди.

Сейтмурат ШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш
бошқармасининг Қорақалпоғистон
Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси

Эълон

Учтепа туманидаги 116-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Муҳамедов Ботиржон Баҳодир ўғли номига берилган U1549705 рақамли шахсондамома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Гапнинг дангалини айтганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг бу йўналишнинг «ичига кириб» таҳлиллар қилаётгани, миллиардлаб маблағни аямаётганини эътироф этиш керак. Куни кеча тиббиёт ходимларининг маошлари оширилди. Хароб аҳволга келиб қолган кўпгина шифоналар таъмирланиб, замонавий қиёфага кирди. Биргина хусусий тиббиёт клиникалари сони 8000 тага етди. Хориждан зарур технологиялар ускуналарни олиб киришда ва бошқа ишларга бир қатор имтиёзлар берилди. Сўнги беш йилда 200 турдаги янги жарроҳлик амалиётлари жорий этилди, республикамиз шифоналарида бўйрак ва жигар трансплантацияси йўлга қўйилди. Тизимни яхшилаш учун 2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 24 триллион сўм ажратилмоқда. Шифоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 2016 йилга нисбатан 12 баробар кўпайтирилган. Қолаверса, шифокорларнинг мақомини ошириш, олис ва чекка ҳудудларда ишлаётган тиббиётчиларга имтиёзлар яратиш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Аммо... Одамларнинг ҳаётини тиббиётимизга ишончи қайтиши осон эмас... Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Биз ҳам халқимиз саломатлиги учун жавобгар бўлган соҳага айтиш шундай бўладики, тиббиётимиздаги мутахассислар назари билан нигоҳ ташлашга ҳаракат қилдик.



ҲАДДАН ОШГАН ХАТОЛИКЛАР

Бир воқеа мени ларзага солганди. Мана унинг қисқача тарихи: ўтган йили Нукус шаҳридаги перинатал марказ шифокорлари 14 февраль куни туғилган чақалоқни 15 февраль куни эрталаб «вафот этди» деб «морг»га бериб юборди. Аммо чақалоқда патолого-анатомик тадқиқот ўтказилганда, у тирикчилиги маълум бўлади. Шунда мутахассислар биринчи ёрдам кўрсатиш ўрнига, перинатал марказдан шифокорларни чақириб, чақалоқни уларга қайтариб бериб юборди. Гўдак зарур биринчи тиббий ёрдам кўрсатилмагани оқибатида вафот этади...

Афсуски, бу биргина ҳолат эмас. Биз хато қўйилган ташхислар ҳақида кўп эшитяпмиз.

...Қайсидир ҳамкасбимиз ойлаб дардига дармон топилаётганидан, ҳали у, ҳали бу шифокорга учраб, турли тиббий кўриклардан ўтиб, миллионлаб пули кетса-да, аммо даво топилаётганидан нолияди. ...Кимдир шифокор бир дунё дори-дармон ёзиб бергани, уни ўзининг таниш шифокорига кўрсатганида, «ярмини олмасангиз ҳам бўлади», дея маслаҳат берганидан эзирлади.

...Қўшни аёлга дардингизни айтсангиз, «Таниш дўхтиринг борми, унга бор, ҳозир дўхтирлар алдайди, фирмалар билан ишлайди», дейди.

Бу гапларни эшитган беморнинг ҳали шифокорга бормасиданоқ дарди чандон ортади. Чунки тиббиётни унинг асл эгаси бўлмаганлар, «Гиппократ қасами»ни унутганлар аллақачон бозорга айланиб юборишган. Афсуски, бунга мисоллар жуда кўп...

Оқибатлари ҳақида кўп мулоҳаза қилиш мумкин. Аммо сабаблар нимада?

Шу мақсадда соҳа олимлари ва мутахассислар фикрлари билан қизиқдик.

«КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК»

– Бугунги тиббиётнинг энг оғриқли жиҳатларидан бири шуки, талабалар касалликларни амалий тарзда ўрганиши учун шароит йўқ, – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор **Зарифбой Ибодуллаев**. – Масалан,

«Жигарни УТТ (УЗИ) қилиш» деган мавзу ўтиладиган бўлса,

талабалар «УЗИ» апаратида ўтириб, бири бемор, иккинчиси шифокор бўлиб, жигарни амалда текшириб, ундаги белгиларни ўрганишлари керак. Аммо юртимиздаги энг олд тиббиёт олийгоҳи бўлган Тошкент тиббиёт академиясида ҳам бундай шароит йўқ. Ёки неврология йўналишини олайлик. Неврологияда Дуплекс, ЭЭГ, ЭНМГ, рақамли рентген деган текширувлар бор. Бу ускуналар эса Тиббиёт академияси кафедраларида йўқ. Борлари фақат беморлар учун ишлатилади. Талабалар, магистрлар ўрганиши учун бу ускуналар кафедранинг ичида ҳам бўлиши керак. Бизда эса фақат клиникада бор. Энг катта тиббиёт маскани бўлмиш Тошкент тиббиёт академиясида МРТ апарати йўқ. Фақат 3-4 йил олдин олинган КТ апарати бор, холос. Шу боис ҳозир талабаларнинг амалий жиҳатдан соҳани ўрганишларида катта оқсоқлик бўлмоқда. Улар мавзуларни фақатгина назарий жиҳатдан ўрганишяпти.

Майли, бу бакалаврият таълими дермиз, аммо магистрлар ҳам фанни шу аҳволда, яъни фақат назарий жиҳатдан ўрганишяпти. Амалиётда эса жарроҳлар операцияга ҳамма амалиётчи талабаларни олиб киравермайди. Кимнингдир таниши бўлса ёки врач билан яхши муносабатда бўлганларигина кира олади. Айримлари эса хусусий клиникада навбатчиликда туриб, ўша ердаги ходимларга «акажон», «опажон» деб илтимос қилиб ёки танишлари ишлаётган шифоналарга бориб, мутахассисларнинг ёнида ўтириб ўрганишлари мумкин. Қолганлари амалда ўрганолмай қолиб кетяпти. Натижада 6 ёки 9 йил ўқиганига қарамасдан, қишлоқ поликлиникасига ишга борганида, ҳозир ҳамма жойда тарқалиб бўлган оддий «УЗИ» апаратида ишлашни билмайди. Оқибатда ушбу ускунада ишлашни ўрганиши учун Врачлар малакасини ошириш институтига бориб, 6 ой ўқиб келмоқда. Бунга нима дейсиз?

Нега шунча контракт пулини тўлаб, 9 йил ўқийди-ю, аммо энг оддий тиббий асбоб-ускуналарда ишлашни билмайди? Бундай таълимнинг кимга кераги бор? Ҳар бир кафедрани ўзининг йўналишидан келиб чиқиб амалиётда ишлатиладиган техника бўлиши керак. Гарчи улар қиммат бўлса ҳам, биз уларни олиб келмас, амалда ўргатмас эканмиз, фақат китобдаги илм билан ҳақиқий шифокорларни тайёрлай олмаيمиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббиёт муассасалари ректорлари юқоридаги масалани, шу билан бирга, кафедраларда илмий-ўқув лабораториялари ташкил этиш ҳақида жиддий ўйлашлари керак. Акс ҳолда, кадрлар масаласида сифат ўзгариши қийин.

«ЎЗИНИ ЎЗИ ТАЪМИНЛАШ» ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ АБГОР ҚИЛАДИ»

– Биласиз, ҳозир олий таълим тизими босқичма-босқич «ўзини ўзи таъминлаш»га ўтмоқда. Бир қатор тиббиёт олий ўқув юрлари ҳам бу тизимга аллақачон ўтиб бўлишган, – дейди таниқли профессор ва маҳоратли жарроҳ **Жуманазар Бекназаров**. – Балки бошқа йўналишларда бу ўзини оқлар, аммо мен ҳам талабаларга дарс берган инсон сифатида айтаманки, тиббий таълимнинг ўзига хослигини инобатга олиш керак. Одатда, тиббий йўналишда ўқийдиган талаба бошқалардан ҳам кўпроқ ўқишига тўғри келади. Чунки у инсон ҳаётини сақлаб қолиши керак, хато қилишга ҳақи йўқ. Аммо охириги йилларда талабалар орасида шундайларини ҳам кўрдимки, ўз шартнома пулини тўлаш учун дарсдан кейин ишлайди, бозорга чиқиб, арава тортадиганлари ҳам бор. Энди ўзингиз ўйланг:

дарсдан кейин ишлаётган талаба қачон фанни ўқиб-ўзлаштиради? Унинг савияси қанақа бўлади? Эртага у беморга қандай ташхис қўяди?

Афсуски, бундай шароитда ўқитувчиларга деканатдан «Талабаларни йиқитманг, баҳосини қўйиб беринг», деган топшириқ берилади. Агар талаба «йиқилмаган» бўлса, университет унинг контракт пулини ҳам қайтариб бериши керак. Бу эса университетга молиявий жиҳатдан зарар бўлади. Ахир ўқитувчи ва профессорларга маош бериш, моддий-техник базани «ушлаб туриш», талабаларни стипендия билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Кейин айрим талабаларда «Шартнома пулини тўлаб қўйибман-ку, керак бўлса, ўргатасиз!» деган иддао ҳам бор. «Суперконтракт» асосида ўқийтган талабаларнинг билими суст. Шу боис биз шифокорликка энг муносиб ёшларни ўқитишимиз, талабга жавоб бермайдиган талабалардан воз кечишимиз керак.

Аянчлиси, бундайлар кам эмас. Шу боис улар ўқиниш битириб ишга киргач, касалликка аниқ ташхис қўя олмапти, одамларни даволай олмади, овора қилипти. Натижада касаллар сони оша ошяптики, қамаймаяпти.

«ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?»

– Олти йилдан буён оилавий шифокор бўлиб ишлайман, – дейди пойтахтимиздаги поликлиника шифокорларидан бири **С.Бобирхонова (исм-шарифи ўзгартрилди)**. – Икки йилдан буён икки ставкада, бир ставка оилавий шифокор, яна бир ставка бўлим бошлиғи лавозимида ишлайман. Биласизми, энди электрон тизимга ўтаётган бўлсак-да, барибир, ҳисоботлар, қоғозбозлик ишларига кўп вақтимиз кетмоқда. Масалан, мен кунни бўйи ишда бўлишим билан бирга, баъзи кунлари уйга келгач ҳам соат 21-22 ларгача ёзув-чизув, ҳисобот қилиб ўтираман. Ҳали прократурага, ҳали ҳокимиятга, ҳали туман соғлиқни сақлаш бўлимига турли йўналишларда маълумотларни жамлаб топшираимиз. Тахминан ўн турдаги ҳисоботни навбат билан юборамиз. Албатта, бундай қоғозбозлик ҳар қандай одамни чарчатади, бунинг ўрнига жон деб ўз устимда ишлардим, аммо иложи йўқ.

Оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлиги ошиши, касалликларнинг олдини олиш ва эрта босқичда аниқлашга эришиш учун, аввало, тиббиёт ходимларининг маоши оширилиши, хусусий клиникаларда бор замонавий лаборатория ва текширув ускуналари давлат поликлиникаларида ҳам бўлиши керак. Ана шунда ҳудудидан кечки босқичга ўтиб кетган оғир касалликлар чиққанида, шифокорларни маошидан жаримгадан тортиш тизимни жорий этилса, барча шифокорлар ҳудудидидаги одамлар билан ишлаган, мулоқот қилган бўларди. Мен хориждаги тиббиёт билан танишганимда, баъзи давлатларда шундай тажриба жорий этилганини ўқидим. Ўйлайманки, бу бизнинг тиббиётимиз учун ҳам фойдали бўлади.

«ЗАРУР ВОСИТА БЕРИЛМАЙДИ, МАЛАКА ОШИРИШ МУАММО»

Навбатдаги суҳбатдошимиз оилавий поликлиника лор шифокори **О.Нурил-лаев**.

Ундан фаолияти, беморларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиши учун яратилган шароитлар ҳақида сўрадик. У хонасидаги 13-14 хил иш асбобларига ишора қилиб, барчасини ўз ҳисобидан сотиб олганини, поликлиника 2-3 йил олдин қайта реконструкция қилингани боис кўп жиҳозлар янгидан келтириб берилгани,

аммо лор йўналишидаги тиббий иш анжомлари берилмагани, кута-кута охири ўзи харид қилганини айтди:

– Масалан, айрим беморларнинг томоғини суяқ дорилар билан чайишга ҳам расман рухсат йўқ. Сабаби – бундай хизмат кўрсатиш учун давлат томонидан зарур препаратлар берилиши, санитар шароитлар бўлиши керак. – Аммо қабулмишга беморлар дардига дармон истаб келишади. Аввалига фақат беморларни текшириб, ташхис қўйиб, даволашни учун муолажа ёзиб берардим. Шунда айрим беморлардан «Томоғимни ювиб қўйишга ҳам имкониятингиз бўлмаса, нимага бу ерда ўтирибсиз? Сизни даволайди деб, умид билан чиқамиз-ку», деган гапларни эшитгач, ўз ёнимдан ўша дори препаратларини олиб келиб, шу ерда талабгор беморларнинг томоғини ювадиган бўлдим. Аммо бирор текширувчи келиб қолса ва бунинг биллиб қолса, менга катта жарима ёзиб кетади. Бироқ, одамлар асосан томоғини ювдиришга муҳтожлигидан поликлиникага чиқади. Аммо бунга расман рухсат ва шароит йўқлиги кўнгилдагидек ишлашимизга тўсиқ бўлмоқда. Бу каби тўсиқларни ҳал қилиш вақти аллақачон келган, деб ўйлайман. Биринчи ўринда ойлик маошимизни оширишларини хоҳлардик. Мен бир ставка учун 2 миллион маош оламан ва бу оилавий харажатларимга етмагани боис тушдан кейин ҳам бошқа хусусий клиникада ишлайман. Агар маошим етарли бўлса, ярим кун ишлаб, ярим кун вақтимни ўз устимда ишлашга сарфлардим.

Яна бир масала. Ўтган йили малака оширишга бордим. У ерда профессорлардан таълим олиш билан бирга, уларнинг операция жараёнидаги ишларини ҳам кузатамиз, деб ўйлагандим. Бир ҳафтача ўқитувчиларимиз ўзлари ишлаётган хусусий клиникалардаги операцияларга олиб киришди, кўрдик. Аммо қолган уч ҳафта қуруқ маърузалар тингладик. Бу вақт биз амалиётчилар учун ҳавога учгандек бўлди. Шифокор амалиётда ўз йўналишидаги янги жорий этилаётган операцияларни, янгиликларни бевосита кўриши, ўрганиши керак. Бизда малака ошириш тизими ҳам шу жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Ҳатто лор йўналишидаги кафедра учун жой масаласи ҳам ўша пайтда муаммо бўлиб турганди. Энди ўзингиз ўйланг, оддий жой масаласи ҳал бўлмаган малака ошириш масканидан шифокорлар қандай янгилик олишлари мумкин? Малака ошириш тизимимиз ҳам абгор аҳволда.

ЎЙЛАРИМИЗ ДОРИХОНАГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Қайси давлатда тиббиёт қоқоқ бўлса, ўша давлатда дорихоналар «гуркирайди». Чунки чаласавод шифокор қаторлаштириб дори ёзади, касалликнинг аниқ ташхисини билган, виждонли шифокор эса кўпи билан уч-тўртта дори тавсия қилади. Атрофга боқсангиз, ҳар беш-олти қақиримда ўнлаб дорихона санайсиз. Улар билан ёнма-ён эса таомхоналар. Марказий ва одам гавжун кўчаларда бу рақамлар анада ортади. Аслида, ҳар қандай касалликдан кўра, ўша касалликни даволаш учун ичилган дориларнинг таъсири аянчлидир.

Тиббий маданиятимизнинг оқсаши шифокорларимизнинг фармфирмалар билан ҳамкорлиги, хуфиёна шериклиги оқибатида дорилар ичини ортдан аҳолида янги касалликлар ҳам ортиб боряпти. Талабадан тортиб ёши улуги-мизгача касалмиз. Бу аҳволда миллат генофонди

бўлади? Биз ибн Сино айтган табиий шифокорлар – қуёш, ҳаво, сув ва бадантарбия орқали дардимизга шифо топишни унутиб қўйдик. Бир ёқда телевидение ва радиомиз тинимсиз дорилар рекламаси билан халқни чалғитиб ётибди. Ваҳоланки, Шарқ табобатимиз ўз даврида Фарбни ҳам уйғотган. Бугун эса у ҳам кўмакка муҳтож.

Яқинда бир қариндошимиз 4 йиллик мусофирчиликдан кейин Россиядаги ишидан таътилга чиқиб, Ўзбекистонга келди.

– Мени ажаблантирган нарса шуки, – дея куйиниб гапириб қолди у кетар олди. – Ўзбекистонда ҳамма дори ичишига ружу қўйибди. Кимникига борсам, оиладагилардан бири қон босими ёки бошқа касаллик учун дори ичади. Ҳамма ёқ – «аптека». Хорижда шифокорлар, аввало, табиий йўл билан даволашга ҳаракат қилишади. Иложсизлиқдангина укол ёки бирор дори ёзмаса, аксарият ҳолларда табиий йўл билан даволайди.

Унинг гапларидан сўнг мулоҳаза қилиб кўрдимки, биз катта бойлигимиз бўлган табобатимизни ривожлантирмасдан, дорилар исканжасига тушиб қолган эканмиз. Афсуски, бу – ҳақиқат!

ХУЛОСА ЎРНИДА

Шифокорлар билан суҳбатимизда уларнинг барчаси мулоқот аввалида ойлик маош масаласини тилга олди. Тан олиш керак, бу даъволар ҳақи. Зеро, тиббиёт ходими оиласи, рўзгор ташвишларидан ортиб ўз устида ишлаши, мунтазам билимининг ошириб бориши учун ҳам моддий имконияти етарли бўлиши зарур. Виждон, Гиппократ қасами ҳақида ҳар қанча гапирмайлик, агарки шифокорлар зарур бирламчи эҳтиёжини-да, қопламайдиган маош олар экан, улар фирмалар билан ҳам ишлашда давом этади, беморларнинг ҳам қўлига қарайверади. Чунки унинг ҳам оиласи, фарзандлари бор.

Ҳукумат уларнинг маошини оширгачина, ўз ҳудудидаги аҳоли ўртасида яхши ишламаган, касалликларни вақтида аниқламаган, фирмалар билан ҳамкорлик қилган шифокорларга жарима қўлланилиши усули жорий этилса, ўринли ва адолатли бўлади. Унгача эса кадрлар тайёрлаш, поликлиникаларни сўнгги зарур технология билан таъминлаш, лабораторияларнинг моддий-техник базасини бутунлай янги жиҳозлар билан бойитиш, табобатдаги ишончли усулларни муолажа жараёнида кенг жорий этиш каби масалалар жиддий кўриб чиқилиши тарафдоримиз. Мутахассислар айтганидек, бусиз ҳозирги аҳволимиз бир қадам ҳам олга силжияйди.

Тиббиётчиларимизнинг ўзгаришини истар эканмиз, аввало, соҳанинг ўзига «ташхис» тўғри қўйилиши, бошланғичанг ислохотлар жараёнида уларга асосий эътибор қаратилиши керак. Зеро, ривожланган давлатларда бўлганидек, юртимизда ҳам тиббиёт том маънода инсонларнинг нажотқори бўлиб қолсин, асло бозорга айланмасин!



Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Тафаккур «уйча»ларига нигоҳ

ёхуд «Artel» компаниясининг хайрли ташаббуслари давом этади



Реклама ўрнида

«Китоблар замон тўлқинларида сўзувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир» деган эди донишмандлардан бири.

Дарҳақиқат, китоб ҳамма замонларда ҳам тафаккур ва тараққиёт кўеши бўлиб келган. Яна шунини айтиш мумкинки, китоб инсоният томонидан яратилган энг буюк мўъжиза. Зотан, китоб – қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир. Инсон камолоти, дунёқараши кенгайишида унинг тутган ўрнини бошқа ҳеч нарса босолмайди.

Эсингизда бўлса, жамият ривожини учун улкан ҳисса қўшиб келаётган йирик корхоналардан бири – «Artel» компанияси ўтган йили пойтахтимиздаги Тошкент ботаника боғида 20 та «Китоб уйчалари»ни жойлаштириб, бу ерда дам олувчилар, сайр қилувчилар истаган китобни олиб мутулаа қилиши ва ўзидаги китобларни бошқалар билан улашиши учун имконият яратган эди.

Таъкидлаш керакки, лойиҳа шахримиз аҳолиси ва меҳмонлар учун китоб алмашиб ўқиш имконини беради. Яъни ушбу уйчалардан сиз ўзингиз истаган китобни олиб мутулаа қилишингиз ва ўзингиздаги китобларни у ерда қолдиришингиз мумкин. Бу лойиҳа орқали «Artel» компанияси халқимизга, айниқса, ёшларимизга илм ва тафаккур манбаини улашишни, улар билан ўзаро китоб орқали мулоқот қилишни ният қилган.

Ушанда тadbир иштирокчилари компаниянинг китобхонликни тарғиб этишга қаратилган



янги лойиҳасини илиқ кутиб олган ва уни омма-лаштиришдан ҳар бир юртдошимиз манфаатдор эканини таъкидлаганди.

Афсуски, йил бошида боққа ташриф буюрган- нимада «Китоб уйчалари»нинг аҳоли ачинарли ҳолатга тушиб қолганини кўргандим. Қизиқишим устун келиб боғда дам олувчиларнинг базилари- дан интервью ҳам олгандим.

– Ўзим талабаман, – дейди Азиза Нормуро- дова. – Курсдошларимиз билан атайлаб ўқи- ган китобларимизни олиб келгандик. Ҳолатни эса кўриб турибмиз. Бу маърифат «уйчалари»ни асрашни билмас эканмиз, бир-биримизга зиё улашишни ҳали-вери эпполмасак керак. Аслида маиший техника ишлаб чиқарувчи корхона- нинг китобхонликка оид лойиҳаси мени жуда қи- зиктирганди. Одатда уларни сотув, экспорт маса- лалари кўпроқ ўйлантиради, деб ўйлар эканман.

Ҳа, «Ботаника» боғидаги китоб уйчаларининг ҳолатига ҳавас қилиб бўлмай қолганди. Китоблар бир аҳволда, айримлари яроқсиз, кўп китоблар эса йўқ... «Китоб уйчалари» ҳам ачинарли ҳолатга келиб қолган: эшиклари, ойналари синган, қи- рилган, чизилган, бузилган...

Уша куни боғда Ўзбекистон халқ артисти Маҳ- муд Намозовни учратиб қолдим. Ва у киши билан ҳам ушбу мавзуда суҳбатлашиб, юқоридаги ҳо- латлар ҳақидаги фикрини сўрадим.

– Мен бу боққа биринчи бор келишим, – деди Маҳмуд Намозов. – Ростини китоб уйчаларини

кўриб, хурсанд бўлдим. Аммо китобга бўлган му- носабатни кўриб, ниҳоятда хафа бўлиб кетдим. Менимча, бундай уйчаларни одамлар гавжум жойларга қўйиш керак.

Яқинда ушбу масала билан яна қизиқдим. Компания ушбу лойиҳани ўз ҳолига ташлаб қўй- мабди. Унинг аҳил жамоаси «Китоб уйчалари»ни таъмирлаб, аҳоли фойдаланиши учун қайта топ- ширибди.

Айнан шу лойиҳа бўйича компания Матбуот хизмати билан боғланганимизда шундай жавоб олдик:



«Жамиятда кескин ўзгаришлар рўй бераёт- ган вақтда давлат идоралари, ташкилот ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари илм-фанга ҳомий- лик қилиши, уларни бевосита қўллаб-қувватлаши керак. Бу жаҳон тажрибасида корпоратив ижти- мойи масъулият – ташкилот ва корхоналарнинг даромад олиши билан бирга, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиши, дейилади. «Artel» ком- панияси жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда, юқорида қайд этилган лойиҳани ривож- лантириш мақсадида тез кунларда «Китоб уйча- лари»ни пойтахтимизнинг бир қанча манзиллари бўйлаб ўрнатишни режалаштирган».

Демак, эзгу ташаббус давом этади. Шу би- лан бирга, компания аҳолини ушбу лойиҳанинг моҳиятига аҳамият бериб, ундан қўзланган мақ- садни чуқурроқ англашга чорлайди.

Умид қиламизки, бу сафар юқоридаги каби ҳолатлар кузатилмайди.



Баҳрона БОЛТАБОЕВА

XXI аср жаҳон шеърини қандай бўлиши керак?

Бу саволга жавобни Гекё Маринай ижодида топганим ҳақида

Биздан аввал ўтган шеърият салафлари кўрган улўғ ўзгаришлар олдида биз амалга оширмақчи бўлган «инкилоблар»нинг ҳеч экани кундек равшан. Неларни кўрмади Ҳазрат Адабиёт?..

У кўрган шоирлар ичра Навоий ва Ҳомердек пурвиқор чўққилар, Бобур ва Уит- мендек бесарҳад денгизлар ҳам бор эди. Бу тоғу денгизлараро лаҳзаларни эта- гига илаштирганча учиб ўтаётган вақт шиддатини аниқлаш доим имконсиз бўлгани ҳолда бир зумлик ишдек кўринади. Бир зумлик деганимнинг сабаби, ушбу ишнинг ечимини фақат ва фақат шеърда, дея ўйлаганимдан бўлса керак.

Шеър қачон ва қандай яралгани ҳақида мистиклар ҳам, материалисту романтист- лар ҳам ўз сўзини айтиб бўлишган. Ҳали шеър мана шундоқ бўлиши керак, деган қатъий ҳукмни эшитмадик.

Бизнинг ҳукм чиқармоққа ҳақимиз бўлмагани каби бу шеър эмас демоққа ҳам имконимиз йўқ.

...Бир шоирга эҳтиёжим бор эди. Биз қамалган қути – воқелиқдан ташқаридаги шоирга. Кимни ўқисам, ҳатто, унинг шеърлари ўзга дунёлардан хабар янглиг янграётган бўлса-да, унинг тасви- рлаган дунёси ҳам қутисифат бўлиб кўринаверди. Менга шаклсиз жимлик, қолипсиз, аммо муайян мантқиқ ила бир-бирига қоришиб бораётган ранг ва мандан, сўзу сукунатдан ташқаридаги моҳият керак эди каминага.

Кузнинг қадамлари Тошкент кўчаларига илк из солган кунларнинг бирида Гекё Маринай билан танишдим. Шеърларини мутулаа қилиб, шеър ўқиямизми ё чўкиб бораймизми, дея ўзимга са- вол бериб кўяр, қадим Шарқ шеърини боғлан- ган ғарбона сатрларга рост келиб ҳайратланар- дим.

Йигирманчи аср бошида жаҳон назмига ўн- лаб янги оқимлар кириб келди. Мазкур оқимлар ўзидан аввалги пре-модерн шеърни инкор қилар ва улкан реформацияларни ваъда қилган ҳолда модернлашув жараёнини бошлаб берганди. Ма- ринай шеърларининг мутулааси давомиди ан- гладимки, ўша оқимлар ҳам, ҳатто улардан кейин майдонга чиққан постмодерн шеърият ҳам анча

эскирибди. Миямга йигирма биринчи аср жаҳон шеърини қандай бўлиши керак, деган савол урилди.

Эрийдн балиқлар ёдномалари кўзиндан ёғилан оташлар сабаб...

Бу сатрлар билан юзлашганда бир тўхтаб ола- сини. Балиқларнинг ёдномаю солнома тутишла- рини бир тасаввур қилиб кўринг. Ишонинг де- маямман, шунчаки тасаввур... Энди уларнинг нигоҳ тафтидан йитишини. Нималардир аниқлаша бо- шлади-ку, тўғрими? Аниқлашув – иллюминей- тингдан сўнг реаллик оқ байроқ кўтариб қаршин- гизга чиқади: нималардир моҳиятини йўқота- дики, уларнинг қачондир балиқ, ёднома, нигоҳ ва тафт эканини унута бошлайсиз.

Назаримда, Маринай шеърини шундай, ривоятлар, қадим оҳанг обидалари, Ғарбу Шарқ фалсафаси кесишган нуқта ва осмоний тахайюл билан таҳлил қилмоқ керак. Айнан шунда биз ўр- ганган, аллақачон тошлашиб кетган эски стерео- типлар парчаланган ва янги назариялар туғила бошлайди. Йигирма биринчи аср адабиёти наза- риялари!

Ва яна: **Мен сандан шу қадар олислаб кетдим, дарахтман, ёлғондир яшилликим ҳам ва яна ёмғирнинг қўлларини ўпиб, бахтлиман деганим ҳам ёлғон эди.**

Олислаб қадар яқин одамнингизга ҳолингиз- дан хабар бермоқ қандай бўлади? Ёмғирнинг қўлларини ўпа туриб ёлғон сўзламоқчи? Бу

соғинчга ҳам, изтиробу биз ўрганган бошқа ке- чинмаларга ҳам ўхшамайди. Мана шу чин маъ- нода янгилик. Ташбехлар тушунтиришга эмас, балки тушунтиришга муҳтож. Бу тушунтириш икки карра икки тўрт қабилидаги тушунилиш каби эмас. Уларни ғайриоддий дейиш ҳам уқувсиз- лик бўлар.

Боя айтганим эҳтиёжни қондирувчи шоирни топдим: Гекё Маринай. Устозлар Одил Икром ва Хосият Рустамнинг далдалари ила таржимага киришдим. Бу менинг шеърини таржимадаги би- ринчи йирик ишим эди. Бу жараёнда менга ҳар томонлама маслаҳат ва дастак бериб турган устоз Одил Икром эътирофига кўра, Гекё Маринай Шарқ, хусусан, форс шеърининг азим дарёла- ридан сув ичган шоир. Кейинчалик англадимки, чиндан шундай экан. У қўллаган ташбех, тажнис ва бошқа адабий санъатларга кўра ҳам ушбу фи- крни далилламоқ мумкин:


Мен-ку боролламд, келдинг, хуш келдинг, қушга айналмади қийналди жоним ва осмон ҳаяжон ичра энтиқиб, мени чорлайверар сенинг исминг-ла.

Ёки: **Бир олам гуллайдн ҳар бир ҳарфнинг қадим ва пурзиё ибтидосида**



Гекё МАРИНАЙ

Келиб чиқиши албаниялик АҚШ шоири Гекё Маринай (Gjeke Marinaj) 1965 йил Албаниянинг Малъеси вилоятида туғилган. Шеърининг постмодернизм йўналишида ижод қилувчи Маринай филология фанлари доктори, ёзувчи ва протонизм таълимоти асос- чиси ҳисобланади. У 2001 йилдан буён Албан-Американ ёзувчилар уюшмаси раиси ва айна пайтда Техас университети профессори. У таржимон ўлароқ бир қанча албан шоирларининг асарларини ҳам инглиз тилига ўтган. Жаҳоннинг кўплаб адабий мукофотла- рига лойиқ деб топилган. Бугунги кунда унинг назариялари Аме- рика ва Европа университетларида дарслик сифатида ўқитилади. Шоирнинг «46 саҳифа» китоби ўзбек тилига таржима қилинган.



«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИКОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Хамидулло ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги англиклар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назардан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Ҳайдаров
Мусаҳҳиҳ:
Д. Худойберганаова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужаллилов

Босишга топшириш вақти – **23:30**
Топширилди – **23:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюрогма **V- 5157**
34287 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда
Манзиллимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-йўл.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-йўл.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130